

TAFAKKUR ZIYOSI

Тафаккур зиёси 1/2021
ilmiy uslubiy jurnal



MUNDARIJA

ТАҚВИМ:

У.А.Жуманазаров, А.Эргашев. Алишер Навоий ҳақидаги янги дoston	3
З.У.Мамадалиева. Алишер Навоий маърифатини англаш йўлида	6
Ш.Н.Амонов. Аҳмад Табибийнинг Алишер Навоий ғазалларига ёзган мухаммаслари	8

ПЕДАГОГИКА-ПСИХОЛОГИЯ ВА ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ

T.Kavilova. The meanings of foreign languages in the professional activity of future specialists	12
У.У. Жуманазаров. Рақамли таълимнинг структураси ва моделлари	15
А.Қ.Каримов, З.Мардонов. Рангларнинг мактабгача ёшдаги бола психологиясига таъсири	19
Х.С.Акратова, А.Ж.Тажмуратов. Nutqi to'liq rivojlanmagan bolalarning хотirasini kuchaytirish asoslari	21
L.T.To'raqulov. Mehribonlik uyi o'smirlarining ijtimoiylashuvi xususidagi muammolar	23
D.E.Tangirova, M.B.Olloqulov. Aqli zaif bolalarning bilish faoliyatini o'rganishning psixologik omillari	25

АМАЛИЙ ФАНЛАР

М.С.Олимов. Қисқа масофага югурувчи спортчиларнинг функционал тайёргарлигининг тузилиши	27
Б.А.Султонов. Спортчининг ривожланишига мақсадли таъсир кўрсатишнинг ўзига хос хусусиятлари	30
Б.Б.Мусаев, С.Нурмаматова. Комплекс поводящих упражнений в обучении основам ходьбе в фигурном катании	33
А.Маҳамматов, А.Жумаев. Мусиқий таълим ва тарбияда замонавийлик	36

ИЖТИМОИЙ ФАНЛАР

М.Ҳошимхонов. Машраб ва Иброҳим Адҳам	38
А.И.Саиткосимов, С.И.Назарқосимов, Ж.Исахонов. Социальные механизмы обеспечения благополучия общества и человека	41
М.В.Ахметжанова. Бадиий-эстетик ижоднинг методологик масалалари	44
З.Бозорбоева. «Оммавий маданият» таҳдиди ва унга қарши курашнинг маънавий асослари	46
А.Р.Самадов. Идеал ва эстетик идеал тушунчаларининг фалсафий қадриятлар тизимидаги ўрни	49
Т.М.Бурханов. Ёшларнинг маънавий салоҳиятни юксалтириш масалалари	54
Г.Н.Наврўзова. Абдурахмон Жомий ижодида Баҳоуддин Нақшбандга хос сифатларнинг тавсифланиши	57
Ф.Ш.Ақчаев, Ж.Қовулов. Жиззах воҳасида дарахларни муқаддаслаштириш билан боғлиқ қарашлар	60
С.Кистаубоев., А.Аманлаев. “Экологик дунёқараш” тушунчасининг ижтимоий-фалсафий моҳияти таҳлили	63
Х.У.Саматов. Хожа Юсуф ҳамадоний таълимотида халқ билан мулоқот қилиш масаласи	65
С.Исмоилов. Нақшбандия тариқатининг диний-фалсафий илдилари	68

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

Т.Жумаев. Лисоний реликт тарихий қолдиқ сифатида	71
А.Тилавов. Эпос ва этнос муштараклиги	73
Х.Холмуродов. Farhod obrazining “Badoyi” ul-bidoaya” devonidagi tavsifi	76
Х.Б.Тожиева. Турди ижодида ўзбек уруғларининг бадиий таснифи	79
Ф.Жумаева. Қўшма сўзларнинг семантик қурилиши	81
Г.А.Холбоева. Мактабгача тарбия ёшидаги болалар китобхонлиги	84
К.А.Абдуллаев. “Барҳаёт-Бобур” мавзусидаги адабий кечани ўтказишда ўқитувчилар ҳамкорлиги	87
Ш.Х.Джаббаров. Вақт концептосферасига лингвофалсафий ёндашув (Ўзбек ва инглиз тили мисолида)	90
Ш.А.Шералиева. Диний фразеологик бирликлар тадқиқининг назарий асослари	93
М.Сайфуллаев. “Ал-изоҳ” журналининг Туркистон адабий муҳтидаги ўрни	95

ТАБИИЙ ВА АНИҚ ФАНЛАР

А.Алишев, Ж.Муртозаев, А.Алишев. Кичик параметрга боғлиқ бўлган юқори татибли чизиқли бўлмаган дифференциал тенгламалар системасининг асимптотик ечимлари	97
Б.Ботиров, А.Усмонов. Миллий услуб ва замонавий инновациялар уйғунлигига асосланган туризм хизматларини ташкил этиш	101
Ш.Р.Бобобеков. Des шифрлаш алгоритмини ўқитиш усуллари	104
М.М.Жаббаров. Табиий фанларни ўқитишда steam ёндашув	108
П.М.Жалолова. Атом физикасига оид моделлаштирилган ишланмаларни яратиш ва тақдим қилиш методикаси	110
О.Каримова. Fizikani o'qitishda didaktik o'yinlarning ahamiyati	113
Э.Н.Худайбердиев., К.Р.Насриддинов., Л.Қ.Самандаров. Физикани ўқитишда тарихий – биографик тамойилларнинг аҳамияти	115

ЁШ ТАДҚИҚОТЧИЛАР

В.М. Yalgashev. Some aspects of the marriage ceremonies of samarkand region	118
Ф.З.Тилыева. Ёшларнинг эстетик тарбиясини китобхонлик воситасида ривожлантириш	120
Р.М.Соатов. Машраб шеърлятида тасаввуф талқини	123
М.Жўраев, М.Хидирова. Истиқлол даври адабиётшунослигидаги етакчи тамойиллар	125
Д.А.Қурбонова. Инглиз тили дарсларида ўқувчиларнинг бағрикенглик компетенциясини шакллантириш омиллари	129
Ж.Р.Туробов. Инглиз тилини ўқитишда темир йўл соҳасига оид атамаларни ўргатиш усуллари	132
Z.M.Khayatova. A reflection of social-cultural life in literature	136
Р.Н.Эргашев. Эстетик маданият – шахс камолотининг омили	139
О.Р.Анарбаев. Параллел матнлар корпуси ҳозирги кун таржимонининг замонавий иш қуроли сифатида	142
J.Holiqulov. “Tavorix ul-xavonin” asarida turli lavozimlarni anglatuvchi terminlarning ishlatilishi	146

ЖИЗЗАХ ВОҲАСИДА ДАРАХТЛАРНИ МУҚАДДАСЛАШТИРИШ БИЛАН БОҒЛИҚ ҚАРАШЛАР

Фаррух Шавкатович Ақчаев – т.ф.б.ф.д. (PhD), Жиззах давлат педагогика институти
Жўрабек Қовулов – талаба, Жиззах давлат педагогика институти

Аннотация: Ушбу мақолада Жиззах воҳаси аҳолиснинг дарахтларни муқаддаслаштиришга оид қарашлари, дала ёзувлари ҳамда шу соҳа мутахассисларининг илмий изланишлари қиёсий таҳлил асосида ёритиб берилган.

Аннотация: В данной статье описываются взгляды жителей Джиззакского оазиса на освящение деревьев в полевых записях и посредством сравнительного анализа с научными исследованиями специалистов, занимающихся данной темой.

Abstract: This article describes the views of the inhabitants of the Jizzakh oasis on the consecration of trees in field records and through comparative analysis with scientific research of specialists dealing with this topic.

Калит сўзлар: Жиззах воҳаси, микроэтнографик минтақа, урф-одат, маросим, шоман, зиёратгоҳ, муқаддас дарахтлар, оқ қайин, ёнғоқ, тут, жийда, анжир, тол, қатрон, арча, чинор.

Ключевые слова: Джиззакский оазис, микроэтнографический край, обычаи, ритуал, шаман, святыня, священные деревья, береза белая, орех, шелковица, джйида, анжир, ива, смола, ель, клен.

Keywords: Jizzakh oasis, microethnographic region, customs, rituals, shaman, shrine, sacred trees, white birch, nut, mulberry, oleaster, fig, willow, resin, spruce, plane.

Ўзбек халқи маданий мероси, анъаналари, урф-одатлари фақат ўтмишдан бизгача етиб келган моддий маданият ёдгорликларининг ютуғи эмас, балки барча маънавий бойликларнинг таркибий қисми, инсон ақл-идроки ва тафаккурининг буюк ютуғи ҳамдир. Ҳар бир миллат ва элат ўз аجدодлари томонидан яратилган бойликларидан, тажриба ва тарихий сабоқларидан, одоб-ахлоқ, таълим-тарбияга оид ўғитлари ва йўл-йўриқларидан фойдаланади, буларсиз яшай олмайди. Муқаддас қадамжо ва зиёратгоҳлар ҳам ўзбек менталитетининг шаклланишига таъсир кўрсатгани каби, этнология ва маданий антропология назариясига асосан жамоа-этнос-миллатнинг тарихий шаклланиш жараёнида асосий ҳисобланган табиий, географик, иқтисодий, тил, дин ва маданият каби омилларнинг мужассам таъсири натижасида минг йиллар давомида шаклланади.

Тарихдан маълумки, Ўрта Осиё халқлари ислом кириб келгунга қадар турли хил аграр культлар, маҳаллий диний эътиқодларга сиғиниб келган. Бу жараён кейинги даврларда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Лекин, ислом дини Ўрта Осиёда тўлиқ қарор топганидан сўнг қадимий диний тасаввурларга ва уларнинг маҳаллий аҳолининг анъанавий турмуш тарзи-даги кўринишларига бўлган муносабат трансформацияга учраган.

Ўзбекистоннинг бошқа тарихий-этнографик минтақалари каби Жиззах воҳаси ҳам ўзига хос, муҳим микроэтнографик минтақа ҳисобланиб, воҳанинг минг йиллар мобайнида қулай географик ўрни ва қадимдан катта карвон йўллари чорраҳасида жойлашганлиги сабаб ғоят хилма-хил маданиятлар ва анъаналар туташган, ўзаро

уйғунлашган ҳолда шаклланган макон сифатида ўз илмий исботини топган.¹ Шундан келиб чиққани ҳолда, Жиззах воҳаси аҳолиснинг зиёратгоҳлар ҳақидаги қарашларида дарахтларни, нафақат озуқа ва хўжалик манбаи, балки уларни тириклик рамзи, инсонларни турли хил ёмонликлардан асровчи мўъжизавий восита сифатида қараш қадимдан кенг тарқалган. Бугунги кунда ҳам дарахтларни муқаддаслаштириш, уларни сир-синоатларига ишонч қадимий эътиқодлар ҳамда халқона анъаналарга мувофиқ қоришиқ тарзда учрайди.

Дунё халқлари қадимий эътиқодларида бу масалага кўп дуч келамиз. Турк тарихчиси Мурот Ўрознинг фикрича, Олтой шомонлари қайин дарахтига сиғинганлар, уни бошқа дарахтлардан илоҳийроқ деб ҳисоблаб келганлар ҳамда унга ҳурмат рамзи сифатида қурбонлик маросимларини унинг атрофида ўтказганлар.² Файласуф Е. Березиковнинг қайд этишича, Олтой шомонлари беморларни даволашга уриниш чоғида доимо ўз ёнларида оқ қайин дарахти пўстлоғи ва унинг бир қисми (барги ёки синган шохчаси)ни олиб юрганлар. Чунки, улар оқ қайин дарахти буюк тангри – Улген (Кўк тангри) томонидан Умайга кўкдан юборилганлиги сабабли, диний маросимлар пайтида уларнинг руҳи қўллаиди, деб тасаввур қилганлар.³ Қайд этиш керакки, қайин дарахти Шотландияда марҳумлар руҳи билан боғланса, Болтиқбўйи ва Марказий Осиё халқларида поклик рамзи сифатида улуғланиб келинган.⁴

Чунончи, барча диний эътиқодларда бўлгани сингари шомонликда ҳам дарахт ва унинг таркибий қисмларига нисбатан ижобий муносабат мавжуд. Буни биз шомонлик маросимлари пайтида ишлатиладиган маросим атрибутлари мисолида

1 Пардаев М.Х. Жиззах воҳаси археологияси: ютуқлар, муаммолар, вазифалар//Жиззах воҳаси-Марказий Осиё цивилизацияси тизимида (қадимги даврлардан ҳозирги кунгача). Конференция материаллари. Жиззах, 2020. 7-14 бетлар.

2 Мурот Ўроз. Турк асотирлари // Сирли олам. – 1991. – №9. Б-11.

3 Березиков Е. Руҳлар ўйинига ташриф // Сирли олам. – 1992. – №1. Б-11.

4 Мингбоева Д. Тимсоллар тилсими. – Тош-кент: Янги аср авлоди, 2007. Б-68.

ҳам кўришимиз мумкин. Жумладан, ўзбек, тожик ва уйғур шомонлари даволаш жараёнларида дарахт новдаларидан тайёрланган хивчиндан ҳам фойдаланадилар. В. Басиловнинг қайд этишича, кучли ва таниқли шомонлар хивчиндан, янги ёки кучсиз шомонлар эса оддий чўпдан фойдаланганлар.⁵

Г. Снесаревнинг фикрича, дарахт шохларидан ясалган даста чўп билан даволаш усули зардуштийликка бориб тақалади. Зардуштийликда толдан ясалган хивчин ёвуз руҳларни ҳайдовчи асосий восита ҳисобланган.⁶ Геро-дотнинг хабар беришича, скиф шомонлари тол новдалари ёрдамида фол очганлар ва дарахтларнинг тагида шомонлик маросимларини ўтказганлар.⁷

Шунга ўхшаш одат Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларида ҳам мавжуд бўлган бўлиб, самарқандлик табиблар тол шохлари ёрдамида касалларга сув пуркаганлар. Бундан ташқари, Хоразм ва Самарқандда дев ва жинларни қочириш учун фолбинлар барглари шилинган еттита тол хивчинларини ишлатганлар.⁸ К. Шониёзов қипчоқларда шомон хивчини жийда ва тол шохчаларидан тайёрланиб, асосан, “кўчирма” маросими пайтида беморни танасига кириб олган ёвуз руҳларни ҳайдаш учун ишлатилганлигини қайд этган бўлса,⁹ Л. Троицкая XX аср бошларида Тошкент ва Самарқандда фаолият юритган шомонларнинг хивчин ёрдамида беморнинг бош ва елка қисмларига қирқ бир марта уриб, дарддан халос этганлари тўғрисидаги маълумотларни ёзиб қолдирган.

Шу ўринда, Жиззах воҳасида истиқомат қилувчи шомонлар (қушноч, бахши) томонидан ўтказибкелинаётганюқоридаги каби касалликларни даволаш билан боғлиқ маросимларга тўхталадиган бўлсак, улар тол дарахти шохларидан ясалган хивчинни эрта баҳорда тайёрлаб, уни бутун йил давомида ишлатадилар ва ҳар йили худди шу пайтда янгилан оладилар. Хивчинлар даста қилиб боғланиб, маросим ўтказиладиган уйнинг бурчагига осиб қўйилади. Хивчиндаги новдалар сони еттита, баъзан эса қирқ биттани ташкил қилади. Бахши маросим сўнгида хивчиннинг пастки қисмидан ушлаб, дастлаб беморнинг устидан ўнгдан чапга қаратиб, уч марта айлантириб олади. Сўнгра беморнинг бош ва танасининг орқа қисмларига ура бошлайди.¹⁰ Бу ҳаракат касалга зиён етказган ёмон руҳларни қувиш мақсадида бажарилади.

Дарҳақиқат, дарахт культи билан боғлиқ қарашлар ўзбек халқи анъанавий турмуш тарзида ҳам учраб туради. Жумладан, Жиззах воҳаси

аҳолиси ёнғоқ, тут, жийда, анжир, тол, қатрон, арча ва чинор каби дарахтларнинг ўзига хос бўлган “руҳлари” мавжудлигига ишонадилар. Масалан, Бахмал тумани Беккелди қишлоғи аҳолиси орасида шундай бир удум мавжуд. Янги туғилган чақалоқ ётган уй “чиллалаи уй” ҳисобланиб, бу уйга шомдан кейин ҳар қандай кишининг кириши таъқиқланади. Чунки, халқона қарашларга кўра, шомдан кейин барча ёвуз руҳлар сайрга чиқиши ва бу пайтда кўчада юрган одамга илашиши мумкин. Шунинг учун шомдан кейин уйига келган киши бирор-бир мевали дарахтни уч марта таба қучоқлаб, кейин уйига кириши мумкин. Шунда ўша кишига илашган барча инс-жинсларни дарахт ўз бағрига олиб қолиши мумкин экан. Бундан ташқари, дала тадқиқотлари жараёнида касалманд кекса кишилар ҳар куни эрталабдан бирор бир мевасиз дарахтни уч марта айлиниши одати ҳам сақланиб қолинганлиги кузатилади.¹¹

Жиззах воҳасида дарахтларни муқаддаслаштириш билан боғлиқ қарашлар ҳақида сўз борганда Зомин туманининг Моргузар тоғ тизмаси юқори қисмидаги Қорамозор қишлоғида жойлашган зиёратгоҳ¹² ҳудудидаги қишлоқ аҳолисини душманлардан, чорва молларини йиртқич ҳайвонлардан қўриқлайдиган “йўлбарс арча”, “қотмозор арча” ҳақидаги қарашлар ҳам эътиборга молик. Дарҳақиқат, халқимиз анъанавий дунёқарашида дарахтларни жонли ва уларда инсонлар руҳи яшашига ишониш билан боғлиқ қадимги анимистик қарашлар ислом дини кириб келганидан сўнг улар дин тарғиботчиларини душманлардан ҳимоя қилувчи куч сифатидаги қарашлар асосида шаклланган афсона ва ривоятлар¹³ ҳозирга қадар сақланиб қолган. Марказий Осиё халқларида “Катта дарахтлар фақат азиз авлиёлар қадами етган муқаддас қадамжоларда ўсади”,¹⁴ деган қараш мавжуд бўлиб, Сулаймон пайғамбарга аталган оби ҳаёт суви ҳам чинор дарахти тагига тўкилган.¹⁵ Зиёратгоҳлардаги дарахт ва ўсимликлар муқаддаслаштирилганлиги боис, уларни кесиш, юлиш кишиларга зиён олиб келади, деган тушунча юзага келган.

Дарахтларни муқаддаслаштириш билан боғлиқ қарашлар воҳа зиёратгоҳларида аҳоли томонидан тегиниш таъқиқланган турли буюмлар, дарахтлар ва жониворларга бўлган муносабат натижасида, уларга нисбатан қисман ёки мутлақ муқаддаслаштириш ҳолатлари кўзга ташланади. Бундан ташқари, муқаддас қадамжоларга хос удумлар ва бажариладиган жараёнларда мавжуд табулар¹⁶ ҳам қадимий эътиқод изларини ўзида

5 Басилов В. Шаманство у народов Средней Азии и Казахстана. Москва: Наука, 1992. -Стр.80.

6 Снесарев Г. Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма. Москва: Наука. 1969. Стр.55.

7 Геродот. История. – Ленинград: Наука, 1972. Стр.93.

8 Кароматов Х. Ўзбекистонда мозий эътиқодлари тарихи. – Тошкент: ЖИДУ, 2008. Б-45.

9 Шаниязов К. Ш. К этнической истории узбекского народа. – Ташкент: Фан, 1974. Стр.329.

10 Дала ёзувлари. Бахмал тумани Сарой қишлоғи. 2019 йил.

11 Дала ёзувлари. Бахмал тумани Беккелди қишлоғи. 2018 йил.

12 Дала ёзувлари. Зомин тумани Қорамозор қишлоғи. 2016 йил.

13 Дала ёзувлари. Жиззах вилояти зиёратгоҳлари. 2014–2018 йиллар.

14 Гафферберг Э.Г. Пережитки религиозных представлений у белуджей// Домусульманские верования и обряды в Средней Азии. –М., Наука, 1975. –Стр. 245.

15 Абдулахатов Н., Зоҳидов Ф. Фарғона тумани тарихи. – Фарғона: Фарғона нашриёти, 2013. – Б.29.

16 Табу – халқнинг турмуш-тарзи ва урф-одат, маросим ҳамда бошқа диний маросимларни бажаришда қўйилган айрим таъқиқ //Фрэзер Ж.Золотая ветвь. – М.: Политиздат, 1983. – Стр.188–250.

мужассамлаштирган.

Кузатувлар натижасида шунга амин бўлдики, зиёратгоҳлардаги дарахт ва ўсимликлар, айримларида ҳайвонлар муқаддаслаштирилганлиги боис, уларга зиён-заҳмат етказиш, жумладан, тошларни синдириш, балиқларни овлаш, дарахтларни кесиш, юлиш таъқиқланган бўлиб, қарийб барча зиёратчилар бунга амал қилади. Воҳадаги муқаддас қадамжоларда алоҳида сифатларга эга бўлган ва табуга учраган дарахтлар жумласига чинор, арча, тут, жийда, қатрон, pista, қайрағоч ва бошқаларни киритиш мумкин. Ташриф буюрувчилар ушбу дарахтларга нисбатан салбий муносабат, албатта, ўз таъсирини кўрсатади, деб ишонадилар.

Жиззах воҳаси зиёратгоҳларида айрим дарахтлар ҳам хусусиятига қараб қадамжонинг асосий таркибий қисмига айланган. Зиёратчилар томондан турли фетишистик эътиқодларга ишончининг мавжудлиги ва айрим ривоятлар шу тизимни юзага келтирган. Жумладан, Паймард қишлоғи аҳолиси муқаддас саналган тепаликда тоғ тошлари орасидан униб чиққан уч туп улкан қатрон дарахтига, Бобоёнғоқ, Тоғтерак, Минг арча, Қатрон ота, Ёнғоқли ота, Теракли ота каби дарахтлар номи билан боғлиқ зиёратгоҳларида шунингдек, Хўжа Боғбон ота зиёратгоҳидаги кекса тут дарахтлари ҳамда Боғимозор ота зиёратгоҳидаги уч туп чинор дарахтларига нисбатан ҳам юқоридаги каби муносабатда бўлишади.

Хусусан, Бахмал туманининг “Боғимозор ота” зиёратгоҳидаги чинор дарахтини муқаддаслаштиришнинг сабабларидан бири қадимдан туркий халқларда сақланиб қолган, чинор дарахти билан боғлиқ кўплаб ривоятлардир.¹⁷ Халқона қарашларга кўра, чинор дарахти одамларнинг жо-нини ўзида сақлайдиган “ҳаёт дарахти”нинг рамзий эквиваленти ҳисобланиши ҳамда унинг яқинига дафн қилинган Сайид Мир Халилulloҳ томонидан экилганлиги ҳам шундай қараш шаклланишига олиб келган. Ушбу ҳудуддаги яна муқаддас дарахтлар – бу Беккелди ва Кўкжар қишлоқлари аҳолиси зиёрат амалларини бажарадиган Теракли ота қадамжосидаги тераклардир. Ушбу теракларнинг маҳаллий аҳоли томонидан муқаддас саналишининг боиси шундаки, уларнинг пўстлоғидан махсус елим ажралиб чиқиб, улар, асосан, яра-чақаларни даволашда ишлатилади.

Дарахтлар билан боғлиқ қарашларда, зиёратчилар уларда орзу-ниятларини амалга оширувчи восита кўринишида муносабатда бўлади. Аҳоли орасида қадамжолардаги дарахтлар ҳам қувватга эга бўлиб, инсон истакларини кўкка етказувчи восита вазифасини бажаришига ишонч мавжуд. Ушбу дарахтларнинг қуриб қолиши ёки инсон томонидан зарар етказилиши турли офатларни олиб келишига сабаб бўлади, дейилади.

Шу асосда, зиёратгоҳлар ҳудудидаги дарахтларга турли матоларни ният қилиб боғлаш, ушлаб ният қилиш, уни қучоқлаш ва айланиш каби бир қанча амаллар, шунингдек, уларнинг шохлари, барги, пўстлоғи ва илдизи атрофидаги тупроқлардан малҳам ва тумор сифатида фойдаланиш ҳозирги кунга қадар воҳа аҳолиси ўртасида сақланиб қолган.¹⁸

Воҳа маҳаллий аҳолиси ўртасида катта дарахтлар авлиёлар қадами етган жойдан ўсиб чиқади, деган тушунчалар мавжуд. Агар мозор атрофида дарахтлар бўлса уларга латта боғлаш одатлари таъқиқланганлигига қарамасдан ҳозирги кунда ҳам бу одат сақланиб қолмоқда. Дарахтларга латта боғлаш тўғрисида Л.Ф.Моногарова қуйидаги мисолларни келтиради: «...кексаларнинг айтишича, муқаддас дарахтлар олдидан ўтаётган ҳар бир киши тўхтаб бир оз дам олиши керак ва у дарахтга ният қилиб латта боғлаши лозим. Шунда ўша кишидаги йўл чарчоғи ҳам йўқолади. Агар бундай қилинмаса, у киши чалғиб йўлдан адашади ва охир оқибатда сафари ҳалокатли тугаши мумкин».¹⁹ Бизнингча, муқаддас мозорлардаги дарахтларга латта боғлаш зиёратчи билан муқаддас жой ўртасидаги рамзий боғланишнинг белгиси бўлиб, ҳар бир зиёратчи латта боғлаш орқали ўз тилак ва истагини ифода этган. Г.П.Снесарев бу ҳолатни «муқаддас жой билан зиёратчининг ўртасидаги магик боғланишнинг ўрнатилиши», деб изоҳлаган эди. Туркий халқларда дарахт шохларга ўз кийимидан бир парча йиртиб латта боғлаш ҳомий руҳларга қурбонлик келтиришнинг бир кўриниши ҳисобланган. Агар бундай қилинмаса, ҳомий руҳ томонидан зиён заҳмат кўриши мумкин бўлган. Шу сабабдан, тоғ дарараларидан ўтишдан олдин тоғ ва ўрмон руҳларига биринчи бўлиб, шу тарзда қурбонлик келтирилганлар.²⁰ Шундай қилиб, латта боғлаш орқали зиёратчи муқаддас жойга нисбатан умид ва ишончини намойиш этган. Зиёратчининг истаги рўёбга чиққач, у иккинчи бор келиб боғлаган латтасини ечган ва мозорга атаб қурбонлик қилган.

Жиззах воҳаси ҳудудидаги дарахтларни муқаддаслаштириш билан боғлиқ қарашлар ва уларнинг функцияси бошқа ҳудудлар билан ўзаро муштарак ҳолда шаклланган бўлсада, уларнинг вужудга келишига оид қарашлар, у ерда бажариладиган урф-одатлар воҳа аҳолисининг ҳудудий қарашларини, ижтимоий турмуш тарзи ҳақидаги тасаввурларни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Бундан ташқари дарахтлар билан боғлиқ архаик қарашлар воҳа аҳолиси мифологияси ва этнографиясидаги муштарак элементлардан бўлиб, унга ҳосилдорлик, куч-қувват рамзи, ҳимояловчи ва орзу-умидларни рўёбга чиқарувчи восита сифатида қаралган ҳамда барча унсурлар сингари дарахт ҳам дунё халқлари каби воҳа аҳолиси учун доимо муқаддас бўлиб келган.

17 Ёвқочев М. Марказий Осиё динлари тарихи. – Тошкент: ТДШИ, 2005. Б-35.

18 Дала ёзувлари. Жиззах вилояти зиёратгоҳлари. 2014-2018 йиллар.

19 Моногарова Л.Ф. Материалы по этнографии язгулемцев. // СЭС. Москва: Наука, 1959. – Стр.72.

20 Алексеев Н.А. Ранние формы религии тюрко-язычных народов Сибири. Кўрсатилган асар. – Стр.60.